

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

**ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ**

2005 йил июлдан чиқа бошлаган



## ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



11 йил 15 июль кунини **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисида «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев ҳисобот билан сўзга чиқди.

Мазкур мажлис «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини рўйбга чиқариш доирасида ўтказилди. Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Олий Мажлис палаталари мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш ҳуқуқига эга бўлди. Қонунчилик

палатаси ва Сенатнинг бўлиб ўтган қўшма мажлиси, унинг қатнашчилари таъкидлаганидек, кўрсатилган Қонун қоидаларини амалга оширишдаги дастлабки қадамдир. Бинобарин, мазкур Қонун марказий ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан парламент назоратини такомиллаштиришнинг, давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантиришнинг, мамлакатимизда кенг қўламли демократик социал-иқтисодий ислохотлар ўтказилишида парламент ролини оширишнинг муҳим омилга айланди.

Мажлисида таъкидландики, Концепциянинг демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштиришга доир қоидаларини бажариш юзасидан ҳукумат изчил иш олиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ва Концепцияда олдинга қўйилган бошқарув тизимини демократлаштириш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, монополияга қарши қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, банк-молия тизимининг инвестиция жараёнларида фаол иштирокни рағбатлантириш, эркин бозор иқтисодиёти йўлидан янада илгари бо-

риш вазифаларини ҳал этишга қаратилган бошқа қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, парламентга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури, бошқа қонун ҳужжатлари қоидаларини амалга ошириш натижасида 2011 йилнинг фақатгина биринчи ярим йиллигида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес корхонаси рўйхатга олинди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни ташкил этилди. Кичик бизнес корхоналарининг sanoat маҳсулотини ишлаб чиқариши ҳажми 20,4 фоизга, экспорт ва ўз маҳсулотини биржа савдолари орқали реализация қилиш ҳажмлари 1,5 баробар кўпайди.

2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш ҳажми 38 фоизга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажми 1,5 баробарга ошди. Жорий йилнинг фақатгина иккинчи чорагида кичик бизнес субъектларининг давлат харидлари ҳажми 44,6 миллиард сўмни ёки улар электрон савдолар воситасида амалга оширадиган савдо-сотик умумий ҳажмининг 89 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга, ошқора мулоқот ва амалий фикр алмашувлар вақтида сенаторлар ва депутатлар ҳукуматнинг, давлат бошқаруви органларининг бозор ислохотларини чуқурлаштириш, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш вазифаларини ба-

жаришга қаратилган ишлари самарадорлигини янада ошириш юзасидан бир қатор фикр-мулоҳазалар ва таклифларни баён қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни янада қисқартириш ва назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва олиб боришнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес субъектларининг давлат харид тизимида иштирок этиши ва юқори ликвидли маҳсулот олишини кенгайтириш борасидаги фармон ва қарорларини сўзсиз бажариш муҳимлиги таъкидланди.

Мамлакатда иқтисодий барқарор ўсишини таъминлашнинг муҳим омили сифатида аҳолининг истеъмол эҳтиёжини ошириш, кичик бизнесни, хусусий тадбиркорликни аҳоли даромадларини, турмуш даражасини оширишнинг асосий манбаига айлантириш, шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш, жойларда социал-иқтисодий ривожланишнинг давлат дастурларини бажариш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини чуқурлаштириш борасидаги тизимли ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

2011 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг прогноз параметрларини сўзсиз бажариш, касб-хунар коллежларининг бити-

рувчилари ўзлари эгаллаган мутахассисликлар бўйича ишга жойлашиши масалаларини ҳал этиш борасида ҳукумат томонидан олиб бориладиган ишларни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш, социал-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш борасида парламент ролини ошириш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ҳукумат ҳисоботини эшитишда тадбиркорлар, олимлар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг иштирок этиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик, шаффофик ва ошқораликни таъминлашда, қабул қилинадиган қарорлар сифати учун уларнинг масъулиятини оширишда навбатдаги муҳим кадам сифатида қайд этилди.

Ҳукумат ҳисоботининг муҳокамаси якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори қабул қилинди. Қарорда демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш соҳасидаги вазифаларни, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури қоидаларини сўзсиз бажаришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи белгиланди.

Ў.А.

Қонунчиликдаги янгиликлар

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ХОРИЖИЙ АВТОТРАНСПОРТЛАРГА ҚЎШИМЧА ЙИГИМ СТАВКАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 июндаги 194-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 17 декабрдаги «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 274-сон қарорига ўзгартиришлар киритилди. Уларга биноан, энди Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан Давлат чегарасини кесиб ўтадиган хорижий юк автотранспорт воситалари ва автобусларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзит ўтиши учун қўшимча йигим ставкалари:

Тожикистон Республикасининг автотранспорт воситалари ва автобуслари учун – 118 АҚШ доллари (илгари – 103 АҚШ доллари);

бошқа хорижий давлатларнинг юк автотранспорт воситалари ва автобуслари учун – 265 АҚШ доллари (илгари – 230 АҚШ доллари).

Бунда Туркменистоннинг автотранспорт воситалари учун ставка миқдорлари ўзгартирилди. Эслатиб ўтайтим, қўшимча йигим Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўлларида фойдаланганлик учун ушбу давлатларнинг автотранспорт воситаларига нисбатан йигимлар ва тўловлар қўлланилмаслигини назарда тутадиган халқаро шартномалар тузган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситаларига нисбатан қўлланилмайди.

### ФУҚАРОЛАРНИ ТМЭҚДА КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ НИЗОМЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июлдаги 195-сон қарори билан Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми ва Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Фуқароларни тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ, ТМЭҚда тиббий кўриқдан ўтказиш бепул ва ҳаёт фаолияти, меҳнатга лаёқат чекланган-



лиги ҳолатини, ногиронликнинг гуруҳлари, сабаблари, бошланган вақти ва муддатларини аниқлаш; меҳнат фаолиятини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлган ёки саломатлигини бошқача тарзда шикастлаган ишловчиларнинг меҳнатга лаёқати йўқотилганлиги даражасини, шунингдек уларнинг ёрдамнинг қўшимча турларига муҳтожлигини аниқлаш; ногиронларнинг саломатлиги ва меҳнатга лаёқати ҳолатини ҳисобга олган ҳолда уларни тиббий ва ижтимоий-меҳнат бўйича реабилитация қилиш чора-тадбирларини белгилаш; ногиронларни

2-бетда

УШБУ СОЎНДА	2-бет	3-бет	4-бет	7-бет
	Суд ҳукми: янги ҳолат аниқланганда	Савол сиздан, жавоб биздан	Корхона қўшиб олинганда	Бино ижараси: атроф ҳудуддан фойдаланганда
	\$1 = 1719,97 сўм	€1 = 2478,85 сўм	£1 = 2751,78 сўм	¥10 = 213,00 сўм

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ


1-бетда

ишга жойлаштириш, ўқитиш ва қайта ўқитиш бўйича тавсиялар бериш мақсадларида амалга оширилади.

Фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш:

яшаш жойидаги туманлараро, туман (шаҳар) ТМЭК;

фуқарода мазкур ТМЭК соҳаси бўйича алоҳида касалликлар мавжуд бўлган тақдирда – даволаш-профи-



лактика муассасасига бириктириш жойидаги ихтисослаштирилган ТМЭК томонидан;

врачларни, ТМЭК ходимларини ва уларнинг яқин қариндошларини, ИИВ, МХХ ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш, жиноятлар содир этганликда гумон қиланаётган, айбланаётган, судланган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳукм қилинган шахсларни, шунингдек ихтисослаштирилган, туманлараро ва туманлар (шаҳарлар) ТМЭК хулосасига рози бўлишмаган фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш – бош ТМЭК томонидан амалга оширилади.

Низомда фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказишга қабул қилиш, тиббий кўриқни ўтказиш, ногиронликни белгилаш ва унинг мезонлари, қайта тиббий текширишдан ўтказиш муддатлари ва ТМЭК қарорлари юзасидан шикоят билдириш тартиби, ижтимоий ёрдам турлари ҳамда ижтимоий ёрдам бериш зарурлигига олиб келадиган касалликлар, жароҳатлар ва нуқсонлар оқибатлари рўйхати таомиллари батафсил белгилаб берилган.

Меҳнатда майиб бўлган ёки касб касаллигига чалинган шахсларнинг касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражасини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражаси касб фаолиятини амалга ошириш лаёқати йўқотилишини баҳолашдан келиб чиқиб меҳнатда майиб бўлган ёки

касб касаллигига чалинган шахсларни кўриқдан ўтказиш санасида фоизларда белгиланади. Жабрланганда касбий меҳнат лаёқати йўқотилиши даражаси ТМЭК томонидан белгиланади:

меҳнатда майиб бўлганда – ногиронликнинг сабаблари рўйхати асосида, бунда ногиронлик меҳнатда майиб бўлганлик оқибатида юзага келган деб ҳисобланади (ушбу Низом билан тасдиқланган);

касб касаллигида – касб касалликлари рўйхати асосида (ушбу Низом билан тасдиқланган). Бунда махсус ваколатли соғлиқни сақлаш муассасасининг хулосасидан кўчирма ҳам тақдим этилади.

Шунингдек, қарор билан мазкур касалликларда ногиронликни белгилаш мезонлари ва асосий ногиронлик касалликлари рўйхати маъқулланди. Молия вазирлигига Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда, мазкур Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилди.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан давлат Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди.

## ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИГА ДОИР МАЪМУРИЙ ИШЛАР

Ички ишлар вазирининг буйруғи билан (АВ томонидан 2011 йил 5 июлда 2240-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш муносабати билан Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди, у йўл ҳаракати қоидаларининг (бундан кейин – ЙҲҚ) бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш ишларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Йўриқнома Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг ЙҲҚ бузилишида жавобгарлик қисмига оид батафсил аниқлаштириш ва тизимлаштириш меъёри билан боғлиқ йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқишда барча киритилган янгиликларни ҳисобга олган ҳолда, ташкилий масалалар таомилларини белгилайди. Масалан, ДЙҲХХ ходими белгиланган тезликка риоя этилмаган ҳолларда маъмурий баённомани расмий-

2011 йил 2 июлдан 8 июлгача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Норма» МЧЖ юрисконсулти Абдурахмон БАХТИЕВ тайёрлади.

## ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2011 йил 5 июлдаги 290-аф-сонли буйруғига асосан «EQUILIBRIUM-AUDIT» масъулияти чекланган жамиятига 2010 йил 14 апрелда берилган 00717-сонли лицензиянинг амал қилиши 2011 йилнинг 5 июлидан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари М.МИРЗАЕВ.



лаштириганда энди, тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар (радар) ёрдамида белгиланган тезлик кўрсаткичини албатта кўрсатган ҳолда, қандай тезликда ҳаракатланиб келганлигини албатта қайд этади, чунки ушбу маълумотлар солинадиган жарима миқдорига тўғридан-тўғри таъсир қилади.

Йўриқномада ЙҲҚнинг бузилиши ҳақидаги ҳужжатларни расмийлаштириш; ЙҲҚнинг бузилиши ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш; ЙҲҚнинг бузилиши тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 933, 2000 йил 9 июнь) ҳамда Хайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 934, 2000 йил 9 июнь) ўз кучини йўқотган деб топилди.

Ҳужжат билан Йўл ҳаракати қоидаларини бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш ташкил этиш тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 933, 2000 йил 9 июнь) ҳамда Хайдовчилик гувоҳномасига талон бериш ва алмаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 934, 2000 йил 9 июнь) ўз кучини йўқотган деб топилди.

2011 йил 15 июлдан кучга кирди.

## ҲИСОБ ЮРИТИШ ТИЗИМИ ЯНГИЛИКЛАРИ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан (АВ томонидан 2011 йил 5 июлда 1684-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди. «9030» ва «9390» ҳисобварақлари билан боғлиқ айрим бухгалтерия ёзувлари ўзгартирилди.

2011 йил 15 июлдан кучга кирди.

Юридик маслаҳат

## АЙБДОР ЭМАСМАН...

Мен иқтисодий жиноят учун жиноий жавобгарликка тортилдим. Судда ишни кўриш мобайнида, шунингдек апелляция ва кассация инстанцияларида ишнинг барча ҳолатлари ўрганилмади. Энди мен янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни янгидан кўзгатиш илтимоси билан мурожаат қилмоқчиман. Мазкур таомилнинг тартибини тушунтириб берсангиз.

Газетхон.

– Жиноят-процессуал кодексининг (бундан кейин – ЖПК) 524-моддасига мувофиқ бундай ҳолда сиз прокурор номига ариза билан мурожаат қилишингиз лозим, у янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни кўзгатиш ҳуқуқига эгадир. Ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш масаласи, агар суд ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослигидан шубҳаланишлар судга маълум бўлмаган ва тегишли ҳукм, ажрим ёки қарор қонуний кучга кирган кейин аниқланган ҳолатлар билан боғлиқ бўлса, янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш тартибидан ҳал этилиши мумкин (Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 12-сон қарори<sup>1</sup> 42-банди.)

Янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлашга қуйидагилар асос бўлади:

1) жабрланувчи ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон хулоса бергани, шунингдек ашёвий далиллар, тергов ҳамда суд ҳаракатлари баённомалари ва бошқа ҳужжатлар сохта эканлиги ёки била туриб ёлғон таржима қилингани қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

2) иш бўйича тергов ўтказган суриштирувчи ёки терговчи ёхуд терговнинг бориши устидан назорат қилган прокурор томонидан қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқаришга олиб келган жиноий суиистеъмолларга йўл қўйилгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

3) мазкур ишни кўриш чоғида судьяларнинг жиноий суиистеъмолларга йўл қўйгани суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланганлиги;

4) ҳукм ёхуд ажрим (қарор) чиқариш чоғида судга маълум бўлмаган, ўз ҳолича ёки илгары аниқланган ҳолатлар билан биргаликда маҳкумнинг айбсизлигидан ёхуд у ҳукм этилганига нисбатан оғирлик даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёхуд оқланган ёки иши тугатилган шахснинг айбдорлигидан далолат берадиган бошқа ҳолатлар (ЖПКнинг 522-моддаси).

Янги ҳолатлар очилган кун деб қуйидагилар ҳисобланади:

1) ЖПК 522-моддасининг 1–3-бандларида назарда тутилган ҳолларда – тергов қилиш ёки ишни судда кўриш чоғида ёлғон далиллар тақдим этиш, била туриб нотўғри таржима қилиш ёки жиноий суиистеъмолларда айбдор шахсларга нисбатан ҳукм қонуний кучга кирган кун;

2) ЖПК 522-моддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда – янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш тўғрисида прокурор қарор чиқарган кун. Судланган шахснинг фойдасига янги очилган ҳолатлар туфайли айблов ҳукмини қайта кўриб чиқиш ҳеч қандай муддатлар билан чекланмаган.

Иш юритишни қайтадан бошлашга асослар мавжуд бўлганда прокурор ишни судга юборади. Агар асослар бўлмаса, у ўзининг қарори билан ишни тергов қилишни тугатади. Бу ҳақда манфаатдор шахсларга хабар берилади, уларга қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади (ЖПКнинг 526-моддаси).

Елена ЕРМОХИНА,

«Норма» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.

<sup>1</sup>«Судлар томонидан жиноят ишларини назорат тартибидан кўрилиши амалиёти тўғрисида».

УШБУ СОНДА:

- ✓ **УСТУВОРЛИКЛАР**
  - Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот **1-бет**
- ✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
  - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
  - Айбдор эмасман...**1-2-бетлар**
- ✓ **БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**
  - Мавқени тутиб туринг
  - Ўзбекистонда тайёрланган кофе
  - Текинидан ҳам солиқ олинади
  - Валютадаги тушумни сотиш хусусида**3-бет**
- ✓ **ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ**
  - Фаолият юритмаётган корхонани қўшиб олмоқчимиз
  - Ижара – вақтинча, лизинг – умрбод
  - Талабалар таътилга чиқадилар, ўқитувчилар коллежда қоладилар
  - Бозор ўрнида комплекс қад кўтарди
  - Уч тарафлама шартнома**4, 7-бетлар**
- ✓ **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
  - **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори**
  - «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони)».
  - 2011 йил II чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати.**5-6-бетлар**
- ✓ **top** **8-бет**

## МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КЎРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	14.07.2011	1	0,7865	1	1,1179	1	0,0281
Арманистон	14.07.2011	1	368,07	1	523,76	1	13,12
Беларусь	15.07.2011	1	4990,00	1	7090,29	1	177,83
Грузия	14.07.2011	1	1,6822	1	2,3694	1	5,9535
Қозоғистон	15.07.2011	1	146,18	1	208,00	1	5,21
Қирғизистон	15.07.2011	1	45,1775	1	65,8167	1	1,6266
Латвия	15.07.2011	1	0,494	1	0,702804	1	0,0176
Литва	15.07.2011	1	2,4315	1	3,4528	10	8,6676
Молдова	14.07.2011	1	11,6093	1	16,3297	1	0,4113
Тожикистон	15.07.2011	1	4,6937	1	6,6614	1	0,1686
Ўзбекистон	12.07.2011	1	1719,97	1	2478,85	1	61,67
Украина	13.07.2011	100	797,14	100	1114,0032	10	2,8084
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Манба: www.prime-tass.ru

Эълон

**БЕВОСИТА МУЛОҚОТ**  
**ЎРНАТИЛДИ**

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз.

Соат 10.00 дан 12.00 гача

**Телефон:**  
**200-00-59**

уяли телефондан +99871  
стационар телефондан 8371

Хизматлар бепул




**МАВҚЕНИ ТУТИБ ТУРИНГ**

1997 йилдан фаолият юритаётган корхонамиз 2011 йил июнь ойидаги текширишлар режа-жадвалига киритилган эди. Бироқ Президентнинг 4.04.2011 йилдаги ПФ-4296-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан у режа-жадвалдан чиқарилди. Бизни уч йил давомида режали текширувлардан батамом озод қилишдими, энди текширув фақат 2014 йилда ўтказиладими ёки бу фақат 2011 йилда амал қиладими?

– 2011 йилги режа-жадвалдан чиқариб ташланган ҳамда 2011 йилги комплекс текширишлар режа-жадвалидан солиқ органлари ва айрим

**О.Князева, бош бухгалтер.**

назорат қилувчи органлар чиқариб ташланган кичик тадбиркорлик субъектларининг рўйхатларига<sup>1</sup> киритилган корхоналар режали текши-

рувлардан ҳозирча фақат 2011 йилда озод этилганлар. Кейинги йилларда уларни текширишларнинг мувофиқлаштириш режаларига киритиш (ёки киритмаслик) масаласи Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга<sup>2</sup> мувофиқ, улар бундан кейин ҳам Президентнинг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сон Фармони 1-бандининг учинчи хат-бошиси билан белгиланган мезонларга мувофиқлигига боғлиқ ҳолда ҳал қилинади, яъни:

улар кичик бизнес субъектлари мақомига эга бўлишлари;  
мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашлари, улар бўйича қарзга эга бўлмашликлари;  
ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлашлари керак.

<sup>1</sup>Айтиб ўтилган корхоналарнинг рўйхатлари, шунингдек Президентнинг ПФ-4296-сон Фармони қоидалари ва ҳўжалик юритувчи субъектларни текширишларнинг бошқа кўп масалалари «Текширишлар: А дан Я гача» электрон маълумотнома тизимида келтирилган.

<sup>2</sup>НҚОФМРКнинг АВ томонидан 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН КОФЕ**

Корхонамиз яқинда рўйхатдан ўтказилган. Биз ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишни – хом кофе сотиб олиш, уни махсус машинада тайёр ҳолатга келгунча қовуриш, тайёр маҳсулотни ўраб-жойлаш ва сотишни режалаштиряпмиз. Барча зарур жиҳозларни харид қилдик. Ушбу маҳсулотга сертификат ёки бирор-бир сифат стандарти олишимиз керакми? Агар керак бўлса, уни қаердан олишимиз мумкин?

**М.Хоришева, ХК бош бухгалтери.**

– Ҳа, кофе мажбурий сертификатланадиган маҳсулотларга кирди (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва унинг худудида олиб кириладиган мажбурий сертификатланадиган маҳсулотлар рўйхатининг<sup>1</sup> 7-сатри, бундан кейин – 122-сон Рўйхат). Шу сабабли уни реаллизи қилиш мувофиқлик серти-

фикати бўлгандагина қонуний бўлади («Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонун<sup>2</sup> 13-моддасининг учинчи хат-бошиси). Уни олиш тартиби Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом<sup>3</sup> (бундан кейин – 318-сон Низом) билан белгиланган. Сертификатлаштириш

Маҳсулотни сертификатлаштириш қоидаларига<sup>4</sup> мувофиқ ўтказилади.

122-сон Рўйхатнинг 7-сатрига изоҳга кўра кофенинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш Маҳсулотнинг хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисида низомда<sup>5</sup> белгиланган тартибда маҳсулотни декларациялаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Кофе озиқ-овқат маҳсулоти эканлигини ҳисобга олиб, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун<sup>6</sup> талабларига мувофиқ унга гигиеник сертификат ҳам расмийлаштирилиши керак. Уни давлат санитария назоратининг ҳудудий хизматиға мурожаат қилиб алоҳида олиш ёки сертификатлаштириш органиға («Ўзстандарт» агентлиги аккредитациялаган ихтисослашган лабораторияға) гигиеник сертификат ва мувофиқлик сертификати олиш тўғрисида бир йўла 2 та ариза тақдим этиб олиш мумкин (318-сон Низомнинг 3, 7-бандлари).

1. Кичик корхонамиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини – асосан қуруқ меваларни қайта ишлаш билан шуғулланади. ХХТУТ бўйича коди – 18151 «Маҳсулотни қайта ишлаш». Ишлаб чиқариш қувватларимиз – қайта ишлаш бўйича линия мавжуд. Қайта ишланган маҳсулотни экспортга етказиб берамиз. Биз валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод бўлиш учун ишлаб чиқариш корхонаси эканлигимиз тўғрисидаги маълумотномани қаердан олишимиз мумкин?

2. Илгари амал қилган талабларга кўра қайта ишлаш улуши камида 30 фоизни ташкил этиши керак бўлиб, хом ашё ҳамда қайта ишланган маҳсулот кодлари турлича бўлиши лозим эди. Ушбу меъёрлар ҳозир амал қиляптими?

**Н.Тошев, МЧЖ директори.**

**ВАЛЮТАДАГИ ТУШУМНИ СОТИШ ХУСУСИДА**

– 1. Бугунги кунда қонун ҳужжатларида бундай ҳужжатни олиш назарда тутилмаган. Илгари ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот сертификатларини «Ўзбекэкспертиза» ОАЖ корхоналарнинг мурожаати бўйича 2011 йил 26 февралдан ўз кучини йўқотган Экспортга жўнатиладиган ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни белгилаш қоидаларига (АВ томонидан 1998 йил 8 апрелда 420-сон билан рўйхатдан ўтказилган) биноан беради.

Бугунги кунда бошқа тартиб – хабардор қилиш тартиби амал қиляпти. Эркин алмаштириладиган валютаға экспорт қилишда имтиёз ва преференцияларни қўллаш мақсадида ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни белгилаш қоидаларига<sup>1</sup> (бундан кейин – 2195-сон Қоидалар) кўра, сизда ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа омилларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ўзингиз қайта ишлаётган маҳсулот «ўзи ишлаб чиқарган товарлар»ға кириш-кирмаслигини белгилайсиз.

2195-сон Қоидаларнинг 7-бандига мувофиқ ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотға киритиш далилини тасдиқлаш учун корхонагиз ДСИ ва банкка иловада белгиланган шакл бўйича Ариза-маълумотномани тақдим этиши керак. Айни ушбу ҳужжат Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартиби<sup>2</sup> 3-бандининг «е» кичик банди бўйича валюта тушумининг 50%ини мажбурий сотишдан озод қилиш учун асос ҳисобланади.

Кўрсатилган Ариза-маълумотнома тақдим этилганида унинг асосланганлиги текширилмайди. Бироқ кейинчалик текшириш чоғида шундай қилишлари мумкин. Агар назорат қилувчи органлар имтиёздан асоссиз фойдаланганлик далилини аниқлашса, ташкилотнинг айбдор мансабдор шахслари валюта тушумини мажбурий сотишдан бўйин товланганлик учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 171-моддасининг иккинчи қисмиға кўра маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларға ЭКИХнинг 8 бараваридан 12 бараваригача миқдорда жарима қўлланиши, корхонаға эса валюта тушумининг бир қисмини сотиш тўғрисида кўрсатма берилиши («Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун<sup>3</sup> 17-моддаси биринчи қисмининг учинчи хат-бошиси) мумкин.

(Тахририятдан. – Маҳсулотни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотға киритиш тартиби тўғрисида «Тасдиқлаймиз: ўзимиз ишлаб чиқарган товарни экспорт қиламиз» материалда («Норма маслаҳатчи»нинг 2011 йил 7 июндаги 22-23 (307-308)-сонини) батафсил сўз юритган эдик)

2. Йўқ, мазкур талаблар амалдаги 2195-сон Қоидаларда назарда тутилмаган. Ушбу мезонлар ҳозир имтиёзни қўллаш учун белгилувчи қоидалар деб ҳисобланмайди.

<sup>1</sup>МВ ва ДСКнинг АВ томонидан 2011 йил 16 февралда 2195-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

<sup>2</sup>ВМнинг 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига 1-илова.

<sup>3</sup>1998 йил 24 декабрдаги 717-1-сон.

Реклама

**NORMA** Эксперт маълумотнома тизими

**КОРХОНА ЮРИСТИ**

Сотиб олиш масалалари бўйича куйидаги манзилға мурожаат қилинг:  
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29  
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



**КЕЛИШИШНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ**

Якка тартибдаги тадбиркор божхона худудиға товарлар сақлаш учун мўлжалланган бўш контей-

нерни олиб кирди. Тадбиркор уни жисмоний шахсға сота оладими? Агар сота олса, қандай нарҳда: олиб кириш нархи бўйича ёки бошқа нарҳда сотиши мумкин? Ушбу битимни нотариал тасдиқлаш керакми?

**Л.Прохорова.**

– Ҳа, сота олади. Қонун ҳужжатларида бундай битимға нисбатан чеклашлар назарда тутилмаган.

Нарх (баҳо) – шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган ҳақ (Фуқаролик кодексининг 356-моддаси, бундан кейин – ФК).

Контейнернинг олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлашға қонун мажбур қилмайди, бу масалада тарафлар ўз хоҳишларига кўра иш тутадилар.

Биз яқин муносабатда бўлган компания билан офис учун нотураар жойни текин фойдаланишға беришлари тўғрисида олдиндан келишиб олдик. Бир оз вақт ўтгач ушбу корхона раҳбари келишувни ўзгартиришни илтимос қилди, бунда у ўзининг ҳамкоридан гўё нотураар жойлардан текин фойдаланиш тўғрисида шартномалар тузишни тақиклайдиган қарор борлиги хусусида хабар топганлигини важ қилиб кўрсатди. Шу тўғрими?

**Е.Алимбекова.**

**ТЕКИНИДАН ҲАМ СОЛИҚ ОЛИНАДИ**

– Қонунчиликда субъектларға хусусий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулкка доир ҳужжат мавжуд эмас. Бундай мол-мулкдан, шу жумладан кўчмас мулкдан текин фойдаланиш шартномаларини тузиш ФКнинг 617–630-моддалари билан тартибға солинади. Бу айни қонунда назарда тутилган<sup>1</sup>.

Давлат мол-мулкни фойдаланишға топширишда муайян чеклашлар мавжуд. У пулли асосда Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги махсус марказлар орқали Давлат мол-мулкни ижараға бериш тартиби тўғрисидаги низомга<sup>2</sup> мувофиқ амалға оширилади.

Эҳтимол, контрагентингиз эшитган хабарда солиқчиларнинг Солиқ кодекси 135-моддасини қўллаши амалиёти тўғрисида сўз бораётгандир. Гап шундаки, унга мувофиқ мол-мулкдан текин фойдаланиш солиқ тўловчининг даромади деб эътироф этилади, бунинг устиға текин фойдаланиш шартномасининг иккала тарафи: ижарачи ҳам, ижара берувчи ҳам даромад оляпти деб ҳисобланади. Солиқ органлари эса бундай шартномаларни тузадиган субъектларға солиқ суммаларини кўшимча ҳисоблаб ёзадилар.

<sup>1</sup>Мол-мулкдан текин фойдаланиш шартномаларини тузиш бўйича батафсил тавсиялар зарур намуналари билан бирға «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида келтирилган.

<sup>2</sup>ВМнинг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган.

Телефон орқали саволларға «Норма» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи Артём МОКШИН жавоб берди.

## ФАОЛИЯТ ЮРИТМАЁТГАН КОРХОНАНИ ҚЎШИБ ОЛМОҚЧИМИЗ

**?** Тўрт йил аввал МЧЖ (ХХТУТ бўйича коди 62110 – қурилиш) ташкил этилган эди. Фирма ўз фаолиятини амалга оширмади. Ушбу вақт давомида бошқа МЧЖ унга молиявий ёрдам кўрсатиб келди. Энди иккала МЧЖ муассислари бир жамиятни иккинчисига қўшишни режалаштиришпти. Ушбу таомилни қандай қилиб тўғри амалга ошириш мумкин?

Н.Мансурова.

– Қўшиб олиш таомили юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳисобланади ҳамда Фуқаролик кодексининг (бундан кейин – ФК) 49-моддаси ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг<sup>1</sup> (бундан кейин – 310-И-сон Қонун) 51-моддаси билан тартибга солинади. Қайта ташкил этиш учун қуйдагиларни амалга ошириш лозим:

### I. Қўшиб олинаётган жамият:

иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказиб, унда қайта ташкил этиш тўғрисида, қўшилиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиши, топшириш далолатномасини тасдиқлаши (310-И-сон Қонун 49-моддасининг иккинчи қисми);

барча кредиторларни хабардор қилиши;

ОАВда қайта ташкил этиш тўғрисида ахборотни чоп этиши; рўйхатдан ўтказувчи орган реестридан кўчирма олиши керак (Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом<sup>2</sup> 76-бандининг учинчи хатбошиси, бундан кейин – 357-сон Низом).

### II. Қўшиб олаётган жамият:

иштирокчиларнинг умумий йиғилишини ўтказиб, унда қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва қўшиб олиш шартномасини тасдиқлаши;

қўшиб олаётган МЧЖнинг таъсис ҳужжатларига жамият иштирокчиларининг таркибини янгилаш, улар улушларининг миқдорларини белгилаш, қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бошқа ўзгартишларни киритиш мақсадида қўшиб олишда иштирок этаётган жамият иштирокчиларининг биргаликдаги умумий йиғилишини ўтказиши, шунингдек зарурат бўлганда бошқа масалаларни, шу жумладан қўшиб олаётган МЧЖ органларини сайлаш масаласини ҳал қилиши;

қўшиб олинаётган жамият билан биргаликдаги умумий йиғилиш ўтказилганидан кейин рўйхатдан ўтказувчи органга қуйдагиларни тақдим этиши керак:

1) ариза;

2) иштирокчилар биргаликдаги умумий йиғилишининг таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарори;

3) қўшиб олаётган жамиятнинг муҳри билан тасдиқланган ўзгартиш ва қўшимчалар матни, 2 нусхада;

4) давлат божи тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати;

5) кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлиги тасдиғи;

6) оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш тўғрисида чоп этилган хабарнинг матни;

7) топшириқ далолатномаси;

8) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома-нинг асл нусхаси, қўшиб олинаётган юридик шахснинг муҳри ва штампи (357-сон Низомнинг 72-банди);

9) қўшиб олинаётган жамиятни рўйхатдан ўтказган органнинг реестридан кўчирма.

## АХДЛАШИШ НИЯТИДАМАН

**?** Ниятлар тўғрисида шартнома қандай тузилади? Унинг намунасини берсангиз.

Ш.Бектемирова,  
бош бухгалтер.

**?** Қарзни ўтказиш шартномасини тузса бўладими? Бизга уч тарафлама ана шундай шартнома намунаси зарур.

«Винлад» ҚК МЧЖ.

– 1. ФКнинг 361-моддасига кўра, **дастлабки шартнома ниятлар тўғрисидаги шартномадир**. Унга кўра тарафлар келгусида дастлабки шартномада назарда тутилган шартларда мол-мулкни бериш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ҳақида шартнома (асосий шартнома) тузиш мажбуриятини оладилар. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида у ёзма шаклда тузилади.

Дастлабки шартномада асосий шартноманинг нарчасини, шунингдек бошқа муҳим шартларини белгилаб қўйиш имконини берадиган шартлар бўлиши керак. Унда тарафлар қанча муддатда асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади. Агар у белгилаб қўйилмаган бўлса, асосий шартнома ният имзоланган пайтдан бошлаб бир йил ичида тузилиши керак.

Дастлабки шартнома эркин шаклда тузилади.

2. ФКнинг 322-моддаси хўжалик шартномаси тарафлари учун қарзни бошқа шахсга ўтказиш имкониятини назарда тутди. Унинг тўртинчи қисмига мувофиқ хўжалик шартномасига асосан қарзни бошқа шахсга ўтказиш оддий ёзма шаклда расмийлаштирилади. ФК 102-моддасининг биринчи қисмига кўра бу – икки тарафлама битим (қарздор билан қарздор учун мажбуриятни (мажбуриятларни) бажаришни ўз зиммасига оладиган шахс ўртасида тузилади) ва уч тарафлама битим (унинг тарафлари бўлиб кредитор, қарздор ва қарздор учун мажбуриятни (мажбуриятларни) бажаришни ўз зиммасига оладиган шахс ҳисобланади) бўлиши мумкин.

Дастлабки шартнома ва қарзни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимнинг намунавий шакллари сиз «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизими ва [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидан топа оласиз.

## ҚОРОВУЛХОНАНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УЙГА АЙЛАНТИРСА БЎЛАДИ

**?** Бизнинг фирмамиз бор эди. Унинг офиси 60-йилларда қоровулхона сифатида қурилган, алоҳида турувчи бинода жойлашган эди. 2001 йилда мулкдор (жисмоний шахс) томонидан нотурар жой сифатида рўйхатдан ўтказилди. Энди бино мулкдори уни нотурар жойдан турар жойга ўтказмоқчи. Ушбу таомилни қандай қилиб бажариш мумкин? Қандай ҳужжатлар керак бўлади?

Л.Лисунова,  
Фарғона шахри.

– 357-сон Низомга кўра, агар бино нотурар жой сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, уни уй-жой фондига **фақат вилоят ҳокимининг қарорига биноан**, башарти у белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга мувофиқ келса ва доимий яшаш учун яроқли бўлса, ўтказиш мумкин (Уй-жой кодексининг 9-моддаси).

Агар бино дастлаб мулкдор томонидан уй-жой сифатида расмийлаштирилган, кейин нотурар жой фондига ўтказилган бўлса, уни қайтадан ўтказиш учун **туман (шаҳар) ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига ариза бериб**, унга ариза берувчининг мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар, туман (шаҳар) кўчмас мулкнинг давлат кадастр хизмати тайёрлаган жой режаси, шунингдек уй-жойнинг нотурар жой тоифасига дастлаб ўтказилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

## ИЖАРА – ВАҚТИНЧА, ЛИЗИНГ – УМРБОД

**?** Биз бинонинг бир қисмини ижарага бериб, ҳар йили 11 ойга шартнома тузамиз. Бизга айтишларича, бинони 5 йилгача бўлган муддатга ижарага бера оларканмиз. Бизнинг фикримизча, 12 ойдан кўп муддатга ижарага бериш лизинг ҳисобланади. Биз ҳақлимизми?

«Англисей Фуд» ШК.

– Ижара шартномасига кўра ижарага берувчи бино ёки иншоотни ижарачига вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишга ёки вақтинча фойдаланишга беради. Ижарага оид ҳуқуқий муносабатлар ФКнинг 573–578-моддалари, «Ижара тўғри-

сида»<sup>3</sup> ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги<sup>4</sup> (бундан кейин – 670-И-сон Қонун) қонунлар билан тартибга солинади.

Қонун ҳужжатлари жой, бино ижарага берилиши мумкин бўлган муддатни чекламайди. Ёдда тутиш муҳим бўлган ягона қоида шуки, **бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади** (ФК 574-моддасининг учинчи қисми).

Лизинг – молиявий ижаранинг алоҳида тури, бунда бир тараф (лизинг берувчи) бошқа тарафнинг (лизинг олувчининг) топширигига кўра учинчи шахсдан (сотувчидан) лизинг шартномасида кўрсатилган **мол-мулкни** (лизинг объектини) **мулк қилиб олади** ва уни лизинг олувчига ҳақ эвазига бундай шартнома билан белгиланган шартларда 12 ойдан ошадиган муддатга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун тақдим этади.

Лизингга оид ҳуқуқий муносабатлар ФКнинг 587–599-моддалари, «Лизинг тўғрисида»ги Қонун<sup>5</sup> ва 670-И-сон Қонун билан тартибга солинади.

Лизинг уч тарафлама (сотувчи – лизинг берувчи – лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи – лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади. Икки тарафлама шартномада қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Шуни ёдда тутиш лозимки, шартнома муддати тугаганидан кейин лизинг объекти, ижара объекти ижарага берувчининг мулкда қоладиган ижара шартномасидан фарқ қилиб, лизинг олувчининг мулкига ўтади. Шу сабабли шартномани ўзингиз кўзлаётган мақсаддан келиб чиқиб тузинг.

## ТАЛАБАЛАР ТАЪТИЛГА ЧИҚАДИЛАР, ЎҚИТУВЧИЛАР КОЛЛЕЖДА ҚОЛАДИЛАР

**?** Мен коллежда ўқитувчиман. Ўқув йилимиз одатдагидек 1 июлда эмас, балки 10 июнда тугади. Бироқ 1 июлгача биз ишга боришда, келганимизни рўйхатга олиш журналида қарор этишда ва услубий ишни бажаришда давом этдик. Мумрият аввалига 10 июндан 1 июлгача давр учун бизга ҳақ тўлашдан бош тортиди. Кейин бизга мазкур давр учун бекор туриш сифатида ҳақ тўлашга қарор қилди. Бизга ушбу кунлар учун ҳақ қандай тўланиши керак?

Л.Нигматулина.

– Коллеж ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом<sup>6</sup> (бундан кейин – 165-сон Низом) билан тартибга солинади. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи базавий тариф ставкаси, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устамалар ва қўшимча ҳақларни ўз ичига олади (165-сон Низомнинг 2-банди).

Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари педагог ходимларининг меҳнатини меъёрлаштириш яқка тартибдаги йиллик иш режасига асосланган, у иш вақтининг суммар ҳисоби – бир йилда 1 540 соатдан келиб чиқади. У ўқув, ўқув-услубий, илмий, илмий-услубий, ташкилий-услубий, ташкилий-педагогик ва маънавий-маърифий тусдаги асосий тадбирлар рўйхатини ўз ичига олиб, уларни бажариш учун зарур иш вақти сарфи кўрсатилади.

Педагог ходимларнинг меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш: касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра кетма-кет 2 ойдан кўп бўлмаган муддатда келмаган ходимларнинг ўрнини босиш тартибида ишланган соатлар учун;

бошқа муассасалардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг педагогик ишига ҳақ тўлашда; ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлари раҳбарлари томонидан ўрнини босиш тартибида дарс берилган ўқув соатларига ҳақ тўлашда амалга оширилади.

Агар сиз 10 июндан 1 июлгача бўлган даврда йиллик иш режасига киритилган тадбирларни бажарсангиз, 165-сон Низомга мувофиқ ушбу давр учун **меҳнатга ҳақ тўлаш умумий асосларда амалга оширилиши керак**. Агар ўзингиз айбдор бўлмаган ҳолда уни бажармасангиз, **ушбу давр бекор туриш деб эътироф этилиши ва ўртача ойлик иш ҳақи миқдорига ҳақ тўланиши керак** (Меҳнат кодекси 159-моддасининг биринчи қисми).

## Реклама



Харид қилиш масалалари бўйича қуйдагиларга мурожаат қилинг: Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй. Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29. E-mail: [info@norma.uz](mailto:info@norma.uz), web: [www.norma.uz](http://www.norma.uz)

Эксперт маълумотнома тизими  
**ИШ БЕРУВЧИГА  
ҚЎЛЛАНМА**

<sup>1</sup>2001 йил 6 декабрдаги 310-И-сон.

<sup>2</sup>ВМнинг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 357-сон қарорига 1-илова.

<sup>3</sup>1991 йил 19 ноябрдаги 427-ХII-сон.

<sup>4</sup>1998 йил 29 августдаги 670-И-сон.

<sup>5</sup>1999 йил 14 апрелдаги 756-И-сон.

<sup>6</sup>ВМнинг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарорига 4-илова.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

— «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони)».

• 2011 йил II чорагида «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАХАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПАСПОРТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» 2011 ЙИЛ 5 ЯНВАРДАГИ ПФ-4262-СОН ФАРМОНИ)

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил, 27-сон, 284-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизimini такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н.Арипов ва Э.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири*  
**Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2011 йил 4 июль  
197-сон.

*ЎзР ВМнинг*  
2011 йил 4 июлдаги 197-сон қарорига  
**ИЛОВА**

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ҳамда солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарорига 3-иловада:

1) I бўлимнинг 1 ва 2-моддалари қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1-модда

Консуллик йиғимлари қуйидаги миқдорларда ундирилади:

а) хорижда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини ва фуқаролиги бўлмаган шахнинг ҳаракатланиш ҳужжатини берганлик учун

— 25 АҚШ доллари

б) хорижда тегишли ёшга тўлганда, шунингдек визалар учун варақлар тугаганда ёки йўқотиб қўйилган паспорт ўрнига Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини (биометрик намунада бўлмаган) берганлик учун

— 25 АҚШ доллари

в) хорижда паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш учун ўз вақтида мурожаат қилинмаганда — муддати ўтказиб юборилган ҳар бир календарь йил учун

— 20 АҚШ долларидан

г) хорижда паспортни ва ҳаракатланиш ҳужжатини йўқотиб қўйганлик учун

— 20 АҚШ доллари

д) йўқотиб қўйилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортни ўрнига Ўзбекистонга қайтиш учун сертификатни расмийлаштирганлик учун

— 15 АҚШ доллари

е) чет элга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув стикерини расмийлаштирганлик учун

— 25 АҚШ доллари

ж) чет элга чиқиш учун илгари расмийлаштирилган рухсат берувчи ёзув стикерига баъзи ўзгартиришлар киритганлик, шу жумладан болалар тўғрисида ёзувларни киритганлик учун

— 10 АҚШ доллари

з) чет элда доимий яшаш учун қолдиришга рухсат бериш тўғрисида ёзув стикерини расмийлаштирганлик учун

— 100 АҚШ доллари

2-модда

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги муассасалари томонидан республика ҳудудида хорижга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштирганлик ва берганлик учун йиғимлар АҚШ долларига эквивалент миқдорда Ўзбекистон Республикаси пул бирлигида ундирилади:

а) Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини (биометрик намунада бўлмаган) берганлик учун

- 25 АҚШ доллари
  - б) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг, шу жумладан 16 ёшга тўлмаган фуқароларга биометрик паспортини берганлик учун
    - 25 АҚШ доллари
  - в) паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжатини расмийлаштириш учун ўз вақтида мурожаат қилинмаганда – муддати ўтказиб юборилган ҳар бир календарь йил учун
    - 20 АҚШ долларидан
  - г) паспортни ва ҳаракатланиш ҳужжатини йўқотиб қўйганлик учун
    - 20 АҚШ доллари
  - д) чет элга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув стикерини расмийлаштирганлик учун
    - 25 АҚШ доллари
  - е) чет элга чиқиш учун илгари расмийлаштирилган рухсат берувчи ёзув стикерига баъзи ўзгартиришлар киритганлик, шу жумладан болалар тўғрисида ёзувларни киритганлик учун
    - 10 АҚШ доллари»;
- 2) II бўлимга қуйидаги мазмундаги 6-модда қўшилсин:

«6-модда  
Хорижий давлатлар дипломатик паспортларига ва мақомига кўра уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотлар паспортларига виза бериш консуллик йиғими ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан берилади»;

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«6. Паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатни, хорижга чиқиш ва хориждан келиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни берганлик учун:

- |  |   |
|--|---|
| а) Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини берганлик учун  | – энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи  |
| б) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини берганлик учун  | – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи  |
| в) Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароларига чет элга чиқиш учун биометрик паспорт берганлик учун  | – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи  |
| г) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсга чет элга чиқиш учун фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасини берганлик учун   | – энг кам ойлик иш ҳақининг 40 фоизи  |
| д) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсга, шу жумладан 16 ёшга тўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатини берганлик учун   | – энг кам ойлик иш ҳақининг 60 фоизи  |
| е) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга чиқиш учун рухсат берувчи ёзув стикерини расмийлаштирганлик учун  | – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи  |
| ж) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга рухсат берувчи ёзув стикерини расмийлаштирганлик учун   | – энг кам ойлик иш ҳақининг 80 фоизи  |
| з) чет элга чиқиш ва кириш ҳуқуқи учун илгари берилган ҳужжатларга баъзи ўзгартиришлар киритганлик учун (амал қилиш муддатини узайтиришдан ташқари)  | – энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи  |
| и) Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни берганлик учун                                    | – энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи  |
| к) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга яшаш учун рухсатнома берганлик ёки унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун                        | – энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи  |
| л) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга йўқотиб қўйилган яшаш учун рухсатнома ўрнига яшаш учун рухсатнома берганлик учун                        | – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи  |
| м) йўқотиб қўйилган паспортлар, шу жумладан биометрик паспортлар ҳамда уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар ёки Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг ўрнига янгиларини берганлик учун | – ушбу банднинг тегишли равишда "а", "б", "в", "г", "д", "и" кичик бандларида кўрсатилган миқдорларда". |

- 3) 3-иловага изоҳларда:  
6-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«Одам савдоси ва ноқонуний миграция қурбони бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, яшаш учун маблағсиз қолган шахслар, шунингдек хорижда қонуний вакиллар қарамогисиз қолган вояга етмаган шахслар уларнинг шахсини аниқлаш (уларда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда) ва Ўзбекистонга қайтиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича хатти-ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ консуллик йиғими ва бошқа йиғимлар тўлашдан озод қилинадилар»;

7 ва 8-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«7. Консуллик йиғимини ундириш бўйича ҳисобот шакли Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг молия-иқтисодиёт бошқармаси томонидан белгиланади.

8. Паритетга риоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига хорижий фуқароларга нисбатан уларнинг давлатларида шунга ўхшаш хатти-ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ундириладиган йиғимлар ва божлар миқдорига мувофиқ консуллик йиғими тарифини кўпайтириш, камайитириш томонига ўзгартиришга ёки улардан озод қилишга рухсат этилади».

**2011 ЙИЛ II ЧОРАГИДА «СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ» ҲАМДА «НОРМА МАСЛАҲАТЧИ» ГАЗЕТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РҲЙХАТИ**

<i>T/p</i>	<i>Меъерий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами</i>	<i>Газета сони</i>
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ</b>			
1	Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)	2011 йил 18 апрель, ЎРҚ-284-сон	16-сон «СБХ»
2	«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2011 йил 18 апрель, ЎРҚ-285-сон	17-сон «СБХ»
3	Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида	2011 йил 18 апрель, ЎРҚ-287-сон	17-сон «СБХ»
4	«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2011 йил 15 апрель, ЎРҚ-283-сон	17-сон «СБХ»
5	Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2011 йил 26 апрель, ЎРҚ-289-сон	18-сон «СБХ»
6	Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2011 йил 21 апрель, ЎРҚ-288-сон	19-сон «СБХ»
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНЛАРИ, ҚАРОРЛАРИ</b>			
1	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2011 йил 11 март, ПҚ-1501-сон	14-сон «СБХ»
2	Тадбиркорлик субъектларини янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2011 йил 4 апрель, ПФ-4296-сон	14-сон «СБХ»
3	Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида	2011 йил 6 апрель, ПҚ-1516-сон	14-сон «СБХ»
4	Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2011 йил 28 март, ПҚ-1513-сон	15-сон «СБХ»
5	Фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2011 йил 18 апрель, ПФ-4301-сон	16-сон «СБХ»
6	Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида	2011 йил 11 апрель, ПҚ-1518-сон	17-сон «СБХ»
7	Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2011 йил 12 май, ПҚ-1529-сон	19-сон «Норма маслаҳатчи»
8	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сон қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	2011 йил 25 апрель, ПҚ-1522-сон	19-сон «Норма маслаҳатчи»
9	2011–2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2011 йил 30 май, ПҚ-1542-сон	22-23-сон «СБХ»
10	Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида	2011 йил 24 май, ПҚ-1536-сон	25-сон «СБХ»
11	Сугуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2011 йил 31 май, ПҚ-1544-сон	25-сон «СБХ»
<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ</b>			
1	Богдорчилик-узумчилик ширкатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2011 йил 1 март, 51-сон	14-сон «СБХ»
2	Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида	2011 йил 14 март, 71-сон	14-сон «СБХ»
3	Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2011 йил 19 март, 79-сон	15-сон «СБХ»
4	Адлия органларида махсус «нишонч телефони» ташкил этиш тўғрисида	2011 йил 19 март, 80-сон	15-сон «СБХ»
5	Этил спирти ва алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2011 йил 25 март, 89-сон	15-сон «СБХ»
6	Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	2011 йил 1 апрель, 98-сон	16-сон «СБХ»
7	Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида	2011 йил 1 апрель, 100-сон	16-сон «СБХ»
8	Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 кВт гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш тўғрисида	2011 йил 5 апрель, 103-сон	16-сон «СБХ»
9	«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида	2011 йил 7 апрель, 107-сон	17-сон «Норма маслаҳатчи»
10	Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чақана савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 19 мартдаги 125-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида	2011 йил 27 апрель, 119-сон	19-сон «Норма маслаҳатчи»
11	Сертификатлаштириш тартибларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2011 йил 28 апрель, 122-сон	20-сон «СБХ»
12	Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида пазарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2011 йил 11 май, 132-сон	20-сон «СБХ»
13	Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	2011 йил 10 май, 129-сон	22-23-сон «СБХ»
14	Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида	2011 йил 18 май, 139-сон	22-23-сон «СБХ»
15	Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида	2011 йил 24 май, 145-сон	22-23-сон «СБХ»
16	Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтисоли учун олиб келинаётган мол-мулкни сертификатлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2011 йил 16 май, 136-сон	22-23-сон «Норма маслаҳатчи»

<i>T/p</i>	<i>Меъерий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами</i>	<i>Газета сони</i>
17	Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида	2011 йил 25 май, 147-сон	24-сон «СБХ»
18	Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида	2011 йил 8 июнь, 166-сон	25-сон «СБХ»

<i>T/p</i>	<i>Меъерий ҳужжатнинг номи</i>	<i>Ҳужжатни тасдиқлаган орган</i>	<i>Санаси, рўйхат рақами, кучга киради</i>	<i>Газета сони</i>
<b>ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР</b>				
1	Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида	ЎзР МВ, ДСҚ, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	2011 йил 22 март, 1842-1-сон, 2011 йил 1 апрелдан кучга кирди	15-сон «СБХ»
2	Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида	Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги	2011 йил 28 март, 2139-1-сон, 2011 йил 7 апрелдан кучга кирди	17-сон «СБХ»
3	Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида	ЎзР МВ, ДСҚ, ДБК	2011 йил 29 март, 589-5-сон, 2011 йил 8 апрелдан кучга кирди	17-сон «СБХ»
4	Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қуввати 50 кВт гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида	Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси	2011 йил 27 апрель, 2220-сон, 2011 йил 7 майдан кучга кирди	18-сон «СБХ»
5	Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ, ИИВ, Мудофаа вазирлиги, ФВВ, МХХ, ДБК	2011 йил 30 апрель, 2222-сон, 2011 йил 10 майдан кучга кирди	19-сон «Норма маслаҳатчи»
6	Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси	2011 йил 2 май, 2223-сон, 2011 йил 12 майдан кучга кирди	22-23-сон «СБХ»
7	Кредит уюшмаларининг активларини таснифлаш, активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ бошқаруви	2011 йил 10 май, 2227-сон, 2011 йил 20 майдан кучга кирди	22-23-сон «СБХ»
8	Замонавий ва маънавий эскирган тиббий ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида	ЎзР ССВ	2011 йил 12 май, 2228-сон, 2011 йил 22 майдан кучга кирди	24-сон «СБХ»
9	Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида	ЎзР МВ, ДСҚ	2011 йил 30 май, 1760-1-сон, 2011 йил 9 июндан кучга кирди	25-сон «СБХ»
10	Мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган асосий воситаларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида	ЎзР МВ, ДСҚ	2011 йил 9 июнь, 2233-сон, 2011 йил 19 июндан кучга кирди	25-сон «СБХ»

#### БОШҚА АХБОРОТ

<i>Номи</i>	<i>Ахборотни тайёрлаган ташкилот</i>	<i>Газета сони</i>
2011 йил I чорагида «Солиқ ва божхона хабарлари» ҳамда «Норма маслаҳатчи» газеталарида эълон қилинган меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати	«Норма маслаҳатчи»	19-сон «СБХ»
Ўзбекистон Республикасини 2011 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари тўғрисида	ИВ, Давлат статистика қўмитаси	18-сон «Норма маслаҳатчи»
Ягона солиқ тўлови тўғрисида («База ҳуқуқбузарликка қарши»)	«Norma Ekspert»	20-сон «СБХ»
Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари тўғрисида ахборот	«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2011 йил 18-сон	21-сон «Норма маслаҳатчи»
Дивидендларни тўлаш тўғрисида («Муассисга тегишли дивидендлар»)	«Norma Ekspert»	24-сон «СБХ»
Солиқ ҳисоботидаги янгиликлар («ЯСТ ҳисоб-китобидаги янгиликлар», «Фойда бўйича ҳисобот такомиллаштирилди»)	МВ	25, 26-сон «СБХ»
Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида («Хусусий тадбиркорлар фаолияти турлари кенгайди»)	«Norma Ekspert»	25-сон «Норма маслаҳатчи»
Кўп квартирали уйларга ёндош қилиб қурилган нотураж жойларга иситиш иссиқлик босими ҳисоб-китобининг услубияти («Иссиқлик ҳисоб-китоби»)	«Тошиссиққуввати» ИЧБ ХК	26-сон «Норма маслаҳатчи»



## ҲАЙДОВЧИНИ ИЖАРАГА ОЛАМАН

**?** Бизнинг ташкилотимиз шаҳарлараро ташишлар билан шуғулланади. Ушбу фаолият турига оид лицензиямиз бор. Ўз транспорт воситаларимиз ва штатдаги ҳайдовчилардан ташқари, биз экипажли автотранспорт воситаларини ижарага олиш шартномаларини тузимиз. Ушбу шартномаларни қонун ҳужжатларида назарда тутилганидек рўйхатдан ўтказамиз ва нотариал тасдиқлаймиз.

1. Экипажли автотранспорт воситаларини ижарага олиш шартномасининг шартларига кўра ҳайдовчиларнинг ижарага берувчилар билан барча муносабатлари сақланади. Биз ҳайдовчилар билан бирор-бир қўшимча шартнома тузишимиз керакми?

2. Солиқ органлари биздан ижара шартномаси бўйича ҳайдовчилар – экипаж аъзоларининг даромадларидан ЯИТ тўлашимизни талаб қилишяпти. Бироқ биз уларга ҳақ тўламаймиз – буни ижарага берувчи амалга оширади. Солиқ органларининг талаблари тўғрими? Ушбу ҳайдовчилар «бизники эмаслигини» тасдиқлаш учун қандай ҳужжатларни тўплашимиз керак?

С.Деҳқонхўжаев,  
МЧЖ бошқаруви раиси.

– 1. Йўқ, керак эмас. Фуқаролик кодекси 566-моддасининг тўртинчи қисмига кўра экипаж аъзолари ижарага берувчи билан меҳнат муносабатларини сақлаб қоладилар. Улар ижарага берувчининг транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланишга доир кўрсатмаларига ва ижарага олувчининг транспорт воситасини тижорат мақсадида ишлатишга доир кўрсатмаларига бўйсунадилар. **Ижарага олувчининг эҳтимолий талаблари ва кўрсатмалари, шунингдек уларни бажариш тартиби ижара шартномасининг ўзида акс эттирилиши керак.** Агар уларнинг ҳажми катта бўлса, шартномага тегишли иловани расмийлаштириш мақсадга мувофиқдир.

2. Солиқ органларининг талаблари тўғри эмас. Солиқ кодексининг (бундан кейин – СК) 307-моддасига кўра ягона ижтимоий тўлов жисмоний шахсларнинг меҳнат ҳақи тарзида олинган даромадларига ҳисоблаб ёзилади, СКнинг 308-моддасида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно. **Сугурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчининг – сизнинг ҳолатингизда ижарага берувчининг зиммасига юклатилади, чунки айнан у ҳайдовчилар меҳнатига ҳақ тўлайди (СК 305-моддасининг учинчи қисми).** Ушбу масалани ҳал қилиш учун сиз солиқ органларининг ходимларига экипаж билан тузилган ижара шартномаларининг нусхаларини, шунингдек ижарага берувчининг ҳайдовчилар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларининг нусхаларини тақдим этишингиз мумкин (уларни тақдим этиш мажбурияти ижара шартномаси шартларига киритиш мақсадга мувофиқдир).

Мария ТУХТАРОВА,  
«Ногта» МЧЖнинг юрисконсульти.

## БОЗОР ЎРНИДА КОМПЛЕКС ҚАД КЎТАРДИ

**?** Президентнинг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (26.04.2010 йилги ПҚ-1326-сон) чиқиши билан уни бажаришга боғлиқ кўп саволлар юзага келяпти. Зеро савдо комплекслари фаолияти:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ноозик-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (28.07.2003 йилдаги 330-сон);

Ўзбекистон Республикасида бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари (ВМнинг 28.07.2003 йилдаги 330-сон қарори билан тасдиқланган);

Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидалари (ВМнинг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган);

Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган);

савдо соҳасидаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бироқ ихтисослашган ва буюм бозорларини савдо комплексларига ўзгартириш юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки мулк шаклини ўзгартиришни назарда тутмайди.

1. Хизматлар соҳаси хусусийлаштирилган шароитда савдо комплекси хўжалик юритиш ҳуқуқи билан давлат унитар корхонаси сингарии ташкилий-ҳуқуқий шаклда барпо этилиши мумкинми?

2. Ана шундай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги савдо комплексига маҳаллий маъмурлар томонидан хусусий мулкдорлар кўчмас мулки (савдо комплекси ташкил этилишидан анча аввал қурилган ва ишлаган савдо объектлари) эгаллаган ер участкаси ажратилган. Улар банд этган ер кейинчалик савдо комплексига ижара тарзида тушадиган тушумлар ва даромадларнинг манбаларидан бирига айланди.

Савдо комплексига кўчмас мулкка доир мулк ҳуқуқи сақланган хусусий мулкдорларнинг қурилмалари банд этган ер участкаларини расмийлаштириб, ер кадастри органи тўғри йўл тутганми?

Т.Муҳаммадиев.

<sup>1</sup>ВМнинг 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган.

## УЧ ТАРАФЛАМА ШАРТНОМА

**?** Ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлган корхонамиз умумий овқатланиш билан шуғулланади (ХХТУТ бўйича коди 71300). У 2008 йилда ташкил этилган, фаолиятни 2010 йилда бошлаган.

Биз Бобур номли богдаги клуб комплекси биносини ижарага олганмиз. Тошкент шаҳар давлат мулкни ижарага бериш маркази томонидан тузилган шартномада қўшимча коэффицентни, шу жумладан атроф ҳудуд учун 0,3 миқдордаги Кх ни ҳисобга олган ҳолда жойни ижарага олиш қиймати ҳисоб-китобининг жадвали келтирилган, ушбу қиймат йилига 8 643 811 сўмни ташкил қилади.

Айни вақтда Бобур номли бог ҳам бизга ер участкасини (атроф ҳудуд назарда тутиляпти) ижарага олиш шартномасини тақдим этипти, ижара ҳақи, ҳисоб-китобимизга қараганда, ер солигининг 2 баравар миқдори қўшув 20% ҚҚСни, жами 12 186 842,4 сўмни ташкил қилапти.

Биз атроф ҳудуд учун қандай қилиб тўғри ҳақ тўлашимиз лозим?

Б.Сон,  
МЧЖ директор ўринбосари.



– Ҳа, иккала шартнома тўғри тузилган. Мол-мулкни ижарага бериш шартномасини тузиш Фуқаролик кодекси ва Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида низом<sup>1</sup> (бундан кейин – 102-сон Низом) билан тартибга солинади.


Ижара шартномаси ижарага берувчи (Тошкент шаҳар давлат мулкни ижарага бериш маркази), ижарага олувчи (МЧЖ) ва баланс тутувчи (Бобур номидаги бог) ўртасида тузилади (102-сон Низомнинг 17-банди). Унинг амал қилиши ер участкалари, хусусан, атроф ҳудудни ижарага олишга татбиқ этилмайди, у фақат бино, жой ижарасига татбиқ этилади.

Ижара ҳақини тўлаш ҳисоб-китобига ижара ҳақи, шунингдек коммунал ва фойдаланиш тўловлари (улар мавжуд бўлса) қиради (102-сон Низомнинг 22-банди).

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара ҳақи ҳисоб-китоби (ижара ҳақининг таянч ставкаси) қуйидагича белгиланади:

$T_c = E_c \times K_z \times (K_k + K_x + K_w)$ , бу ерда:

$T_c$  – бир йилда 1 кв м учун ижара ҳақининг таянч ставкаси;



– 1. Қонун ҳужжатларида савдо комплексининг таърифи, унинг фаолиятини таъминлайдиган корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига талаблар ва уни амалга ошириш тартиби келтирилмаган. Шу сабабли муассислар ташкилий-ҳуқуқий шаклини Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларига мувофиқ мустақил равишда белгилайдилар.

2. Сизнинг ҳолатингизда юридик шахсларга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган иморатлар, иншоотлар, доврахтлар, бўлган ер участкаларини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари (савдо комплексини қуриш) учун олиб қўйиш тўғрисида сўз бораётган бўлса керак. **Сизга тенг қимматли мол-мулк тақдим этишлари ва олиб қўйиш билан етказилган зарарларни тўлиқ ҳажмда қоплашлари керак.** Ер участкасини ёки унинг бир қисмини (бундан кейин – ер участкаси) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тегишинча туман, шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бўйича амалга оширилади.

Ер участкасини олиб қўйиш билан юридик шахсларга етказилган зарарлар учун тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари бюджет маблағлари ҳисобидан компенсация тўлайдилар. Олиб қўйилаётган ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ажратилган тақдирда, тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қарорига кўра уларнинг маблағлари ҳисобига қопламлар тўланади (Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомнинг<sup>1</sup> 27-банди).

**Эс** – бир йилда 1 кв м учун энг кам ставка;

**Кз** – ҳудудий зоналар коэффицентини;

**Кк** – қурилиш тури (алоҳида турган бино, қўшимча қурилган бино, бинонинг юқори қисми, чордоқ, мансарда, ярим ертўла, ертўла) бўйича коэффицент;

**Кх** – атроф ҳудудлардан фойдаланиш коэффицентини;


**Кш** – тижорат мақсадларида фойдаланилаётганда шинамлик (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашганлик, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишда жойлашганлик ва бошқалар) коэффицентини.

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара ҳақи ставкаси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Давлат мулк қўмитаси тақдим этган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижара энг кам ставкаларининг ҳисоб-китоблари асосида тасдиқланган энг кам ставкалардан кам бўлиши мумкин эмас. Тошкент шаҳри бўйича ижара ҳақи ставкалари Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 11 январдаги 26-сон қарори<sup>2</sup> билан белгиланган.

Ер участкасини (бино атрофидаги ҳудудни) ижарага олиш шартномаси бўйича ҳуқуқий муносабатлар Фуқаролик, Ер кодекслари, «Ижара тўғрисида»<sup>3</sup> ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»<sup>4</sup> қонунлар билан тартибга солинади. Ер участкасини ижарага олиш шартномасидан келиб чиқадиган, шу жумладан ижара ҳақига доир мажбуриятлар шартномавий мажбуриятлар тоифасига қиради, яъни тарафларнинг келишуви билан белгиланади.

Ижара ҳақи суммасидан норози бўлсангиз, ижарага берувчига уни камайтириш тўғрисида хат билан мурожаат қилишингиз мумкин. Агар рад жавоби олсангиз, судга даъво аризаси беришингиз мумкин.

Жавобларни «Ногта» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.



# TOP

ЭНГ ЯХШИСINI ТОП!

ISSN 2091-5209

**«AMIR-AUDIT» МЧЖ**  
 аудиторлик ташкилоти  
 23.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия  
 УЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини амалга оширади

**Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиши**

САР ва СІРА сертификатларига эга бўлган аудиторлар ишга таклиф этилади

Тел. (+99897) 409-04-23, 296-55-78 факс (8371) 296-52-15

**«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ**  
 аудиторлик ташкилоти  
 УЗР МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

**Барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари**

Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва молия қонун ҳужжатларига мувофиқ барча консалтинг хизматларини курсатамиз

Манзил: Тошкент ш., Гавҳар кўч., 124.  
 Тел. (8371) 279-47-16. Факс (8371) 279-44-01.  
 Уяли: (+99897) 402-05-00, 340-98-62, 335-19-67, (+99894) 663-77-74.  
 E-mail: tid\_nazorat-audit@mail.ru

Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:  
 Нукус (+99861) 357-43-26, Хоразм (+99862) 524-51-55,  
 Сурхондарё (+99894) 461-32-70, Самарқанд (+99866) 777-01-63,  
 Наманган (+99863) 258-57-97, Жиззах (+99872) 328-08-00

**САМАРАЛИ ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНУВИ ВА ТЕЗКОР МАТБАА УЧУН ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАР**

✓ Тўлиқ рангли ва монохром копирлар, принтерлар, кўп функцияли офис тизимлари, **Konica Minolta** босмасининг самарали тизимлари

✓ **RISO** рақамли мини-босмаҳоналари, матбаа ускуналарининг кенг спектори

✓ **ACCO Brands** офис ускуналари

✓ Шахсий компьютерлар ва лицензияланган дастурий таъминот

□ Кафолат, фойдаланишнинг бутун даврида техник кузатув  
 □ Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи қисмлар

Товар сертификатланган

**ATK TURON - Konica Minolta, RISO, ACCO Brands расмий ҳамкори**  
 Тел./факслар: 237-47-00, 237-48-00. E-mail: info@atcturon.uz; www.atcturon.uz

**Рўйхатлар**

**Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 8 июлдаги ажримига асосан Яккасарой туманидаги банкротлик кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Ажрим рақами	Юридик манзили
"LUMBER MILL" МЧЖ	10-1116/11629	Братислава кўч., 11-уй, 103-х.
"AGRO TIME GROUP" МЧЖ	10-1116/11631	Ҳ.Умаров кўч., 10-уй.

Мазкур корхоналарнинг банкротлик иши бўйича суд мажлиси муҳокамаси 2011 йил 18 июлда соат 11.20да Тошкент шаҳар, Чўпонота кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 4-сонли мажлислар залида кўриб чиқилади. Мазкур корхоналар кредиторларининг биринчи йиғилиши 2011 йил 18 июлда соат 10.00да Яккасарой тумани ДСИ биносида куйидаги манзил бўйича ўтказилади. Тошкент шаҳар, Фарход кўч., 6А-уй, 3-қават, 310-хона. Тел. 250-70-87.

**Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 4 июлдаги ажримига асосан Яккасарой туманидаги банкротлик кузатув жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Ажрим рақами	Юридик манзили
"STAR MEDIUM" МЧЖ	10-1116/10999	Бобур кўч., 73-уй.
"SOUTH KARAVAN" МЧЖ	10-1116/11244	Ш.Руставели кўч., 8-уй.

Мазкур корхоналарнинг банкротлик иши бўйича суд мажлиси муҳокамаси 2011 йил 18 июлда соат 16.00да Тошкент шаҳар, Фарход кўчаси, 6А-уйда жойлашган Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ДСИ биносида кўриб чиқилади.

Мазкур корхоналар кредиторларининг биринчи йиғилиши 2011 йил 18 июлда соат 10.30да Яккасарой тумани ДСИ биносида куйидаги манзил бўйича ўтказилади. Тошкент шаҳар, Фарход кўч., 6А-уй, 3-қават, 310-хона. Тел. 250-70-87.

**Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2011 йил 4 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан Олмазор туманидаги банкрот деб топилиб, тугатиш жараёни бошланган корхоналар РЎЙХАТИ**

Корхона номи	Қарор рақами	Тугатиш бошқарувчиси
"GRAND TEA PACKING" МЧЖ	10-1107/8117	У.Исроилова
"SLAKE SITY" МЧЖ	10-1107/8120	К.Сайдуллаев
"EKSTRANS MULTI SERVIS" МЧЖ	10-1107/8121	Б.Хаитбоев
"DIYOR PROPERTY" МЧЖ	10-1107/8118	Б.Хаитбоев
"SPARTAK-MEGA PROF.FUT.KLUB" МЧЖ	10-1107/8119	К.Сайдуллаев

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳри ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар бир ой давомида ўз аризалари билан мурожаатларини Қорасарой кўч., 269-уй, ДСИ биносининг 111-хонасига билдиришлари мумкин.

**“Интеграл стар” ХК таклиф қилади**

**“ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ”**

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

**Тел. 303-16-46, факс 274-66-77**

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
<b>СОТИЛАДИ</b>	
«Раҳбар кабинети» МДФдан ясалган мебель. Ишлатилган. Тўлов - нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича. Тел.: 237-47-20, 237-47-05.	
<b>ИШ</b>	
ЎЗР ДМҚ малака сертификати эга баҳоловчиларни таклиф этилади. Тел. 253-56-27.	
<b>БАҲОЛАШ ХИЗМАТЛАРИ</b>	
Баҳолаш ва бизнес-режалар*. Тел. 430-56-00.	
<b>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</b>	
Аудит. Бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 570-18-64.	
Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел.: 370-63-06, 263-77-29.	
<b>ХИЗМАТЛАР</b>	
Компьютерларни таъмирлаш, шахсий компьютерларга техник хизмат кўрсатиш. Windows, дастурий таъминот ва Интернет ўрнатиш ва созлаш. Жойига чиқиш билан. Тел.: (+99893) 577-44-56. Михаил.	
<b>ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ:</b> юридик, техник, тиббиётга оид ҳужжатларни малакали таржима қилиш. Легаллаштириш. Тел.: 252-38-71, 454-80-01.	
Сервис маркази: компьютерлар, принтерлар, мониторлар - таъмирлаш, тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел. 903-73-93.	
Ташкилий техникани таъмирлаш ва тўлдириш. Тел. (+99897) 340-45-08.	
Қурилиш-таъмирлаш ва пардозлаш ишлари. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.	
Сметаларни жорий нархларда тузиш. Турар жой ва жамоат биноларини лойиҳалаштириш*. Тел.: 244-86-80, 244-86-79.	

**www.pc.uz** - Ўзбекистон компьютер бозоридagi талаб ва таклиф

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ** ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ **“Norma Hamkor” МЧЖ**

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР **ФАРҲОД КУРБОНБОВ**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1  
E-mail: gazeta@norma.uz, norma@press@mail.ru  
www.norma.uz

Нашр учун масъул:  
Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.  
Таҳририят муштариёлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.  
“Norma маслаҳатчи”да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Norma” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “ТОПРИНТ” МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).  
Индекс - 186 Буюртма 1119 Адали 3950. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2011 йил 18 июлда соат 11.30 да топишди.  
ISSN 2010-5223